

Зулхумор САМИЕВА

Ҳавас

БОЛАЛИКДАН  
ЁДГОРЛИК


*Шеърлар*



«Наманган» нашриёти  
2006

Қўлига қалам тутган ҳар бир ўғил-қиз дастлаб туғилган юртига муҳаббати, ўзи улгайиб вояга етаётган оиласи, ака-ука, опа-сингил, қадрдон мактаби, синфдошлари, дўстларига бўлган меҳрини қогозга туширишга, шеър қилишга киришади. Юрагидаги бор туйғуларини ифода этишга ҳаракат қилади.

Чустлик мактаб ўқувчиси Зулхумор Самиева ижодида ҳам ана шу ҳол яққол кўзга ташланиб турибди. Қўлингиздаги мўъжазгина китобчада унинг ижодий изланишларидан юзага келган ҳосилалар жамланган. Зулхуморнинг келажакда ким бўлиши унинг ушбу машаққатли йўлдан собитқадамлик билан бора олишига боғлиқ.



Ю-32397/0

НГ 556 – 115027,5 - 1323250  
557 – 1,0 – (07) - 06

2006.

## **ВАТАН**

Кўзимга тўтиё тупроғинг,  
Кўллардан туширмай байроғинг.  
Асрайн бир умр қалбимда,  
Яшнатиб юборай чорбоғинг.

Шеърларим атадим шаънингга,  
Гулларни тўшадим пойингга.  
Фидойи бир қизинг бўлсам бас,  
Дунёни алишмам лойингга.

## **МУАЛЛИМ**

*Қўлимга илк бора қалам ушлатиб,  
Ҳарфларни танитган, азиз муаллим.  
Меҳрингиз аямай эркалаб, суйиб,  
Ахлоқу одобдан бердингиз таълим.*

*Барчамиз қарздор биламиз ўзни,  
Номингиз доимо сақлаймиз ёдда.  
Жаҳолат яшириб қўяр юлдузни,  
Маърифат бўлмаса агар ҳаётда.*

## МУҲАММАД ЮСУФГА

*Шоир ўлган эмас, абадий бу ном,  
Шеърлари ичида яшайверар у.  
Унинг қўшиқлари жаранглар мудом,  
Бизлар билан қадам ташлайверар у.*

*Суратин ҳар кун қўлга оламан,  
Кўзларимдан потраб ёш чиқар беҳос.  
Узоқларга термулиб ўйга толаман,  
Тилимда сатрлар такрорланар боз.*

*Юрагим қаърида бир чироқ ёнар,  
Аммо, бу чироқ ҳеч қолмайди ўчиб.  
Ўшир юрагимда бир ҳис уйғонар,  
Мен уни хотирлаб йиғлагим келар.*



## **ЎЗБЕК АЁЛИ**

*Туроннинг бешиги қўлингиздадир,  
Истиқбол эшиги кўнглингиздадир.  
Нигоран кўзингиз йўлингиздадир,  
Биз учун муқаддас ўзбек аёли.*

*Доимо чаққондир рўзгор, юмушга,  
Тез битар бош қўшса у ҳар бир ишга.  
Умрин бағишлаган арман, ташвишга,  
Тиниб-тинчимаган ўзбек аёли.*

*Мен сизга аллоҳдан хуш бахт тилайман,  
Бахтингиз очилсин барвақт, тилайман.  
Туғаб адо бўлмас сарват тилайман,  
Сабрдан яралган ўзбек аёли.*

## **ШЕЪРИМГА**

*Шеърим, сени яхши кўраман,  
Менинг ёлаиз сирдошим ўзинг.  
Гоҳо маҳзун ҳисга тўламан,  
Юрагимнинг акси ҳар сўзинг.*

*Доим сенга очаман дилим,  
Оқ қозоғга дардим сочаман.  
Ёзилади сен билан кўнглим,  
Қалбим жумбоқларин ечаман.*

## ҚИЗЛАРГА

Ҳар бирининг кокили ерни ўпади,  
Ҳусну малоҳати ойдан зиёда.  
Бир кўрган йигитнинг қалбин сеҳрлар,  
Тинчгина юролмай қолар дунёда.

Хушбичим табассум, хушбичим кўйлак,  
Унга ярашмасдэн кимга ярашар.  
Ортидан эргашган йигитлар лак-лак,  
Термулиб, тўймасдан яна қарашар.

Ҳар бири бир уйни этади обод,  
Кўзларни олгудек ниҳол қомати.  
Наргиза, Малика, Лобар – ҳуснобод,  
Бор экан қайси бир йигит омади.

## ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил кириб келди,  
Қалбим қувончга тўлди.  
Совгаларни қорбобо,  
- Улашинг, - дея кулди.

Арчани ҳам ясатдик,  
Роса ўйин кўрсатдик.  
Деразанинг ойнасин,  
Расм солиб безатдик.

Дилларни хушнуд этиб,  
Қалбларга шодлик элтиб.  
Жўнаб кетди эски йил,  
Кириб келди янги йил.

## **ХАЙР, ОПАЖОНЛАР**

*Тўлдириб юрардингиз,  
Мақтабимиз кўчаларини.  
Бугун-чи, кетяпсиз, келажак томон,  
Қолдириб гулларнинг гунчаларини.*

*Қўнгиروق жарангласа, дуқирлар юрак,  
Тебраниб кетади гўё мактаб ҳам.  
Барибир, сўнги сўз айтилмоқ керак,  
Кўзу киприкларни ювса ҳам шабнам.*

*Хўшлашмоқ биз учун бунчалар оғир,  
Созинчдан ҳозирдан энтикар бағир.*

## **ДАДАЖОНИМ**

*Доим бизга бахт тилайсиз,  
Пешонамиздан силайсиз.  
Гар йиқилсакда, суяйсиз,  
Дадажоним бор бўлинг.*

*Уйимизнинг кўркисиз,  
Фарзандлар қалб кўрисиз.  
Дадаларнинг зўрисиз,  
Бахтимизга бор бўлинг.*

## ҲАЁТ

Йиллар ўтиб кетаверди биздан сўрамай,  
Бир дам бўлсин ушлаб турмоқ мумкинмас  
асло.

Худди гўдак – чопиб борар ортга қарамай,  
Ва қўққисдан қоқилсам, катта муаммо.

Шунинг учун ҳар қадамни босинг ҳушёрроқ,  
Аччиқ - чучук зарбаларни ўтказаверманг.  
Агар, йўлни кенгроқ қилинг, феъл бўлса  
торроқ,  
Гоҳ-гоҳ голиб чиқинг, ҳадеб ютқозаверманг.

Инсон билан ҳамроҳ экан қувонч, гам-гусса,  
Шодлик тўла кўз ҳам кўрар бир дунё гамни.  
Биров ориқ, биров семиз – навниҳол жусса,  
Багрингизга тикаверманг ортиқ, мотамни.





## **ЯНА БАҲОР ТАЪРИФИ**

*Баҳоройим гўзалсан,  
Севамиз дилдан.  
Қорли қишдан афзалсан,  
Дейман кўнгилдан.  
Табиатни уйғатдинг-  
Боғлар – чаманзор.  
Меҳримизни кўзгатдинг,  
Севамиз такрор.  
Оплоқ тусга киради,  
Тонгда келинчак мисол.  
Олчаларнинг ҳуснига,  
Термилуб қоламан лол.*



## ҚИЗ НОЛАСИ

Туғилдим-у шу дам кўзларим очиб,  
Ҳайҳотдай олпоқ уй, сизни изладим.  
Ҳар ёққа қарадим сизни согиниб,  
Аммо, тополмадим, нетай, онажон!

Жажжи юраккинам тез-тез урарди,  
Қалбим эса мудом сизни изларди.  
Кўз ёшларим юм-юм юзим юварди,  
Сизга талпинаман, нетай, онажон!

Йиллар оқар сув каби оқди, тез,  
Сизни сақладим жажжи қалбимда.  
Шўх қиз бўлиб ўсдим, азиз боғчамда,  
Сизни унутолмадим, нетай, онажон!

Ёшим етти-ю мактабга бордим,  
Ҳарфларни бирма-бир ўқиб ўргандим.  
Лекин сиз томон талпиниб дилим,  
Сизни излайверар, нетай, онажон!



## **ДУНЁНИНГ БЕШИГИ...**

*Дунёнинг бешиги бир қўлингдодир,  
Фарзандинг бешиги бир қўлингдодир.  
Оналик меҳринг пок қалбингдодир,  
Сен муқаддассан ўзбек аёли.*

*Жонкуярсан рўзвор юмушга,  
Меҳрибонсан ўгил, қизингга.  
Гуллар пойандоз азиз пойингга,  
Сен муқаддассан ўзбек аёли.*

*Қалбингга шодлиғу қувонч тилайман,  
Кўзингга қуёшнинг нурин сўрайман.  
Доим ҳавас ила сенга қарайман,  
Сен муқаддассан ўзбек аёли.*

## **ЎЗБЕКИСТОН**

*Гулзорларинг кўриб кўнглим ёришар,  
Боболарим эслаб ҳавасим ошар.  
Сўлим боғларингда қўйлар булбуллар,  
Ўзбекистон дея яшайман фақат.*

## **ОНА ТАБИАТ**

Тўрт фаслда тўрт хил либос,  
Кийган бизнинг келинчак.  
Ҳар биридир ўзига хос,  
Мисли лола, ё чечак.

Қуёш нурин ардоқлайди фаслларнинг  
эртаги,  
Шамолларни эркалайди дарахтларнинг  
куртаги.  
Ҳам тоза сув, ҳам соф ҳаво катта  
бойлик барчаси,  
Булар бари танга даво, очиб қўй уй  
дарчасин.

## **БАҲОР КЕЛДИ**

Қиш ўтиб, ер юзига гул фасл келди,  
Қорлар эриб, қуёш билан кутгани асл келди.  
Навбаҳорнинг нафаси эса бошлади бу кез,  
Дилларга завқ улашиб, булбулга васл келди.

Кўзларни қамаштирар қирдаги лолалар ҳам,  
Гўёки, келинчакка гул олиб ҳизр келди.  
Омон-омон замонда бахтли бўлинг доимо,  
Истиқлолга йўғрилган саодатли йил келди.

## ҚАТРАЛАР

### МУЗҚАЙМОҚ

Мадина кичкина қизалоқ эди. У ҳар куни боғчага борарди. Мадина эркатой бўлгани учун музқаймоқ еяр эди. У совуқ қиш кунларида ҳам музқаймоқ ейишни тўхтатмади. Мадина ойисининг гапига қулоқ солмас эди. Кунлардан бир кун Мадина боғчага бормади. Унинг томоғи оғриб қолибди, албатта, қишда ҳам музқаймоқ егандан кейин нима бўларди?

У анча кун касал бўлиб ётди. Мадина ойисининг гапига қулоқ солмагани учун жуда пушаймон бўлди. Энди у фақат ёзда музқаймоқ ейман, -деб ўзига ўзи ваъда берди.



## ЁЛҒОНЧИНИНГ АҲВОЛИ

Акмалнинг укаси Рустам жуда шўх бола эди. Унинг Қобил исмли шумтака дўсти бор эди. Рустам ва Қобил мактабда ёмон ўқишади. Рустамнинг қулоғига на акасининг, на ойисининг гапи кирарди. Кунларнинг бирида Рустамнинг ойиси ишга, акаси мактабга кетишди. Рустам ойиси айтганларини қилмай ўйнаб юриб, мактабга ҳам бормади, лекин буни ойисига айтмади. Эртаси куни Рустам мактабга бориб, муаллимига: ойим касалхонада эдилар, мен уларга қараб турган эдим,-деб танбехдан қутулди.

Рустамнинг кундалиги уйда қолиб кетади ва уни ойиси кўриб қолиб ўқийди. Унинг муаллими ота-оналар учун ёзладиган саҳифаларни ойиси топиб олиб ўқийди ва ўғлининг ёлғон гапираётганини билиб олди. У эртасига мактабга боради. Муаллим Рустамнинг ойисини кўриб лол бўлиб қолди ва бор гапни унинг ойисига айтиб беради. Шундан сўнг Рустам ойиси ва муаллимидан узр сўради, ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка аҳд қилди.

# МУНДАРИЖА

## Шеърлар

Ватан .....	3
Муаллим .....	3
Муҳаммад Юсуфга .....	4
Ўзбек аёли .....	5
Шеъримга .....	5
Қизларга .....	6
Янги йил .....	6
Хайр опагонлар .....	7
Дадажоним .....	7
Ҳаёт .....	8
Яна баҳор таърифи .....	9
Қиз ноласи .....	10
Дунёнинг бешиги .....	11
Ўзбекистон .....	11
Она табиат .....	12
Баҳор келди .....	12

## Қатралар

Музқаймоқ .....	13
Ёлгончининг ахволи .....	14

Адабий-бадий нашр

**Зулхумор Самиева**

**БОЛАЛИКДАН  
ЁДГОРЛИК**

*Шеърлар*

<b>Муҳаррир:</b>	<b>М. АКМАЛ</b>
<b>Тех. муҳаррир:</b>	<b>Ғ. МУЛЛАБОЕВ</b>
<b>Мусахҳиҳ:</b>	<b>С. ЯҲЁЕВ</b>
<b>Мусаввир:</b>	<b>И. ТОШХОЖАЕВ</b>
<b>Компютер оператори:</b>	<b>А. ТОШХОЖАЕВ</b>

Теришга 14.06.2006 йилда берилди.  
Босишга 27.06.2006 йилда рухсат этилди.  
Газета қоғозига офсет усулида чоп этилди.  
Бичими 60x84 1/32. Ҳажми 0,5 босма табоқ.  
Адади 500 нусха. Буюртма № 470. Баҳоси  
келишилган нархда.

---

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,  
А. Навоий кўчаси, 36-уй, 3-қават.

«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри,  
Сўфизода кўчаси, 8-уй.